

8-1-2020

## IMPORTANCE OF STATIC, DYNAMIC AND ORGANIC THEORY OF BALANCE IN FORMING FINANCIAL RESULTS

Anvar Avloqulov Candidate of Economic Sciences  
*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Avloqulov, Anvar Candidate of Economic Sciences (2020) "IMPORTANCE OF STATIC, DYNAMIC AND ORGANIC THEORY OF BALANCE IN FORMING FINANCIAL RESULTS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 26.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**И.ф.д., доц. А.З.Авлокулов**  
*Тошкент молия институти*

## **МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СТАТИК, ДИНАМИК ВА ОРГАНИК БАЛАНС НАЗАРИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Ушбу мақолада молиявий ҳисоботларни тузишда мавжуд бўлган баланс назариялари талаблари қиёсий таҳлил қилинган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида молиявий натижаларни хўжалик юритувчи субъектлар томонидан халқаро стандартлар талаблари даражасида шакллантиришда органик баланснинг самараси асослаб берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** молиявий ҳисобот, бухгалтерия баланси, молиявий натижа, даромад, харажат, фойда, зарар, баланс назариялари, статик баланс назарияси, динамик баланс назарияси, органик баланс назарияси.

## **ЗНАЧЕНИЕ СТАТИЧЕСКОГО, ДИНАМИЧЕСКОГО И ОРГАНИЧЕСКОГО ТЕОРИЯ БАЛАНСА ПРИ ФОРМИРОВАНИИ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ**

В данной статье приводится сравнительный анализ требований существующих теорий баланса при составлении финансовой отчетности. В результате проведенного исследования обоснована эффективность органического баланса в формировании финансовых результатов предприятиями на уровне требований международных стандартов финансовой отчетности.

**Ключевые слова:** Финансовая отчетность, бухгалтерский баланс, финансовый результат, доход, затрат, прибыль, убыток, балансовые теории, статического теория баланса, динамического теория баланса, органического теория баланса.

## **IMPORTANCE OF STATIC, DYNAMIC AND ORGANIC THEORY OF BALANCE IN FORMING FINANCIAL RESULTS**

This article provides a comparative analysis of the requirements of existing balance sheet theories in the preparation of financial statements. As a result of the study, the effectiveness of the organic balance in the formation of financial results by enterprises at the level of requirements of international financial reporting standards is substantiated.

**Keywords:** financial reporting, balance sheet, financial result, income, cost, profit, loss, balance sheet theory, static balance theory, dynamic balance theory, organic balance theory.

## **КИРИШ**

Молиявий ҳисоботларда иқтисодий қарор қабул қилиш учун муҳим ахборотлар мавжуд бўлиб, улар учун бухгалтерия маълумотлари мазмунини реал тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкӣ ва молиявий ҳолати ҳақида, шунингдек, унинг фаолияти молиявий

натижалари ҳақида энг муҳим ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида жамланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш барча фойдаланувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Бухгалтерия ҳисоби назариясига эътибор қаратсак, молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантиришда 3 та асосий назария мавжуд эканлигига гувоҳ бўламиз: статик, динамик ва органик. Статик назариянинг асосий мақсади мулк қиймати ва молиявий мустақиллик коэффициенти аниқлаш бўлса, динамик назарияда асосий эътибор рентабеллик кўрсаткичларини аниқлашга қаратилади. Статик ва динамик назариялар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида органик баланс назарияси шаклланган. Ушбу назария статик ва динамик баланс назариялари талабларини имкон қадар уйғунлаштирган. Органик назарияда ахборотлар ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу назариянинг мақсади ҳам молиявий натижаларни, ҳам мулкый ҳолатни биргаликда аниқлаш ҳисобланади.

### **МАЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ**

Иқтисодчи олимлар томонидан баланс назариялари атрофлича ўрганилган.

Эммануэл Опоку Вейр ва Андрес Аманкваларнинг тадқиқотларига кўра баланс назарияларининг 3 та тури мавжудлиги таъкидланади: статик, динамик ва органик назариялар [1].

И.Яремко, Н.Подолчак, Л.Пилипенко ва О.Тайвончукларнинг фикрича, молиявий ҳисобот тузишнинг фундаментал принциплари статик, динамик ва органик назариялари асосида шаклланган [2].

Статик балансдан мақсад ташқи фойдаланувчилар ва корхона мулкдорларининг мулкый ҳолати, кредиторлик қарзлари ва хусусий капитал ҳажми хусусида ахборотларни тайёрлашдан иборат. Бу назарияда молиявий натижа активлар қийматини аниқлаш мақсадида ўрганилади [3, 43].

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти ва ривожланишини акс эттирадиган, мулк унда ҳисобот тузишнинг мақсади эмас, балки фақат восита ҳисобланган баланс “динамик” деб аталади. Э.Шмаленбах унга қуйидагича таъриф берган: “Динамик баланс молиявий натижаларни моддий ва молиявий айланмалар ўртасидаги вақт муносабатларини ҳисобга олиб кўрсатган ҳолда кучларнинг актив ва пассив захиралари нисбатини ифодалайди” [3, 44].

Усенко Л.Н. ва Удалова З.В.ларнинг фикрича, динамик баланс назариясида ҳисоботнинг асосий вазифаси корхонани бошқариш учун молиявий натижалар тўғрисида ахборотларни тақдим этишдан иборат [4].

С.Карельская ва Е.Зугаларнинг фикрича, статик баланс мулк қийматини ишончли баҳолаш, динамик баланс молиявий натижаларни тўғри аниқлашни кўзда тутаяди. Биринчи назария тўловга лаёқатлилиқ, 2-назария рентабелликни аниқлашни кўзда тутаяди [5].

Н.Н.Карзаеванинг фикрича, органик баланс назариясида мулкнинг бошланғич баҳосини сақлаб қолишдан ташқари унинг бозор баҳосини ҳам акс эттириш зарур, шу сабабли органик баланс тузишда потенциал баҳолар

қўлланилади. Бу ҳолатда баланс мулкни ҳам бозор, ҳам бошланғич баҳосида акс эттиришни таъминлайди ва бир вақтнинг ўзида ҳам амалдаги тугалланган хўжалик операцияларига жавоб берадиган, ҳам баланс тузилган кунда мулкнинг бошланғич қиймати ўзгаришларига мос келадиган фойда суммасини кўрсатади [6].

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Статик, динамик ва органик баланс назарияларида молиявий ҳисоботни тузишга турлича қарашлар шаклланган. Статик назариянинг моҳияти хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов лаёқати, яъни унинг қарзларни қоплай олиш қобилиятини акс эттиришга бориб тақалади. Бу ерда кредиторлар ҳисоботнинг асосий фойдаланувчилари сифатида намоён бўлади. Динамик баланс назариясининг моҳияти бухгалтерия ҳисоботидан молиявий натижалар ҳажмини аниқлаш йўли билан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини акс эттириш ҳисобланади. Бу ерда асосий фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъект мулкдорлари ҳисобланади.

Статик баланс концепцияси бухгалтерия ҳисобида юридик ва мулкӣ йўналишларни ривожлантиришнинг натижаси ҳисобланади. Статик баланс назариясини амалга оширишда активларни белгиланган вақтда инвентаризация қилиш ва уларни гўё активлар «ҳозир» сотилаётгандай жорий давр бозордаги нархлар бўйича баҳолаш кўзда тутилади. Олинган натижа хўжалик юритувчи субъектнинг қанчалик барқарор эканлигини кўрсатган, инвентаризация ва соф активлар ҳажми эса фойда ҳажмини белгилаб берган. Хўжалик юритувчи субъектнинг мулки ва соф активларини ҳисоблаб чиқиш муҳимлиги ва зарурлиги статик баланс концепциясига хос бўлган хусусият ҳисобланади.

Статик баланс назарияси тарафдорлари фойдани хўжалик юритувчи субъектнинг ўз капитали (соф активлари) ошиши сифатида кўради [7]. Бу ерда ҳар қандай активлар келиб тушиши олинган фойда ҳисобланади, молиявий натижани аниқлаш эса шунга асосланадики, хўжалик юритувчи субъектнинг мулкӣ мажмуини ташкил қиладиган активларни ўзаро таққослаши мумкин.

Шундай қилиб, статик баланс назариясига кўра “Фойда ва зарарлар” ҳисоби мустақил қийматга эга эмас ва “Капитал” счегининг алоҳида счегини сифатида ажратилади.

Статик баланс назарияси белгиланган санага статик кўрсаткичларда тузилади (активлар, мажбуриятлар, капитал) ва динамик баланс назариясидан фарқли равишда, мулкнинг аниқ қийматини белгилаб беради, лекин хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижаларини бузиб кўрсатади. Статик балансни шакллантириш принциплари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

баланс активи ва пассиви элементлари мажмуини белгилаб берадиган принциплар;

уларнинг ўзгариш принциплари (баҳолаш, амортизация).

Биринчи принциплар шундан иборатки, сотиб юбориш мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъект активлари таркибига хўжалик юритувчи субъект тасарруфида бўлган мулк киритилади, бундай мулк бўлмаганда эса балансда кўрилган зарар сифатида кўриб чиқилади.

Принципларнинг иккинчи гуруҳи активлар қиймати уларни тугатиш пайтида сотиш ҳолатида аниқланишини кўзда тутадиган хўжалик юритувчи субъектни сохта (қалбаки) тугатиш қоидасига асосланади. Шу сабабли уларнинг ортиши фойда сифатида, пасайиш эса зарар сифатида ўрганиладиган бозор нархларини кўллаш зарур. Бироқ активларни бозор қийматида баҳолашда мулкни вақти-вақти билан қайта баҳолаш зарурати юзага келади. Амортизация фойдани камайтирадиган активлар қийматининг пасайиши сифатида кўриб чиқилади [8].

Ҳозирги пайтда статик балансни шакллантириш принципларидан фойдаланиш молиявий ҳисоботда мулкнинг қиймати, фаолиятнинг молиявий натижалари, шунингдек, кредиторлар ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида аниқ ахборот шакллантиришни таъминлайди.

Динамик баланс назарияси статик баланс назариясига қарши чиқади. Ушбу назарияга мувофиқ молиявий ҳисобот фойдалилик ҳақида ахборот тақдим этишга қаратилади. Бу ерда фойда хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг асосий кўрсаткичи сифатида ўрганилади.

Э.Шмаленбах назариясига мувофиқ, баланс молиявий натижаларни аниқлаш учун воситадир. Динамик баланс назариясида молиявий натижа оралик кўрсаткич сифатида намоён бўлади. Динамик баланс мулк қийматини фақат бу фойдани ҳисоблаб чиқиш учун талаб қилинган даражадагина кўрсатади. Яъни статик балансдан фарқли равишда, хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлиги ва молиявий натижани акс эттиради.

Динамик балансда капиталнинг айланиши кўрсатилади, даромадлар ва харажатларнинг ҳаракат босқичлари баланс элементлари ҳисобланади. Бу ерда хўжалик юритувчи субъектнинг келажакда унга даромад келтирадиган харажатлари актив ҳисобланади. Актив фойда олиш мақсадида пуллар қаерга йўналтирилганлигини кўрсатади.

М.Л. Пятов баланс активини динамик назарияда тушунишнинг асосий хусусиятини унинг моддаларини баҳолашда кўради. Актив бу ерда хўжалик юритувчи субъектнинг таннарх бўйича, яъни уларни шакллантириш амалдаги харажатлари суммасида баҳоланган харажатлари сифатида тушунилади. Активни қайта баҳолаш амалга оширилмаслиги лозим, чунки фойдани аниқлаш учун олинган даромадлар даромад олишга қаратилган харажатлар йиғиндиси билан таққосланиши лозим [8].

Динамик назарияга мувофиқ тузилган балансда баҳолаш бир хиллиги принципига риоя қилиш зарур, чунки хўжалик юритувчи субъект активлари ва мажбуриятларини қайта баҳолашда молиявий натижалар бузиб кўрсатилади.

Динамик балансда дебиторлик қарзлари даромад олиш билан қатъий чегараланади. Даромад таркибига хўжалик юритувчи субъект тушумлари ҳам, дебиторлик қарзлари кўринишидаги потенциал (эҳтимолий) даромадлар ҳам киради. Дебиторлик қарзлари ҳисобини юритиш тўловнинг кечиктирилгани учун фоиз тўловларисиз уларни тўлаш вақтида «Фойда ва зарарлар» сметида акс эттирилиши зарур, яъни фақат ҳақиқатда киритилган капитални акс эттириш лозим. Кредиторлик қарзлари пул маблағларининг кутилаётган чиқувчи оқими сифатида талқин қилинади.

Динамик ҳисобни қўллаш исталган вақтда пул маблағларининг моддий-ишлаб чиқариш захираларига ўтиш жараёнини, ишлаб чиқариш жараёнида эса товарга ўтиш жараёнини ва оқибатда, дебиторлик қарзлари ва пул маблағларига ўтишини акс эттириш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг самарали ва муваффақиятли фаолиятига интилиб, динамик баланс концепцияси қуйидаги масалаларга ечим топиб беради: исталган вақтда аниқ молиявий натижаларни аниқлаш, даромадлар ва харажатларни таққослаш мумкин бўлиши принципига риоя қилиш, вақт бўйича аниқлик принципига риоя қилиш, молиявий натижалар ҳажмини аниқлашда эҳтиёткорлик принципига риоя қилиш.

Статик ва динамик назарияларни бирлаштиришга ҳаракат қилган Ф.Шмидт органик (уйғунликдаги) баланс назариясини яратган. Унинг органик баланс назариясида мулкни акс эттириш (статик назария) ва молиявий натижани аниқлаш (динамик назария) иккита бир хил аҳамиятга эга мақсад ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг асосий мақсади эса шундай ҳолатга эришиш ҳисобланадики, бунда фойданинг ошиши капитал айланмаси ҳажмининг ошишига мос келиши лозим [9].

М.Г.Миргородскаянинг фикрича, Шмидтнинг баланс назариясида фойданинг мақсади - тадбиркорлик қобилиятини қўллаб-қувватлашдан иборат. Фойда ҳажмининг ошиши молиявий натижа ҳажмининг ошишига мос келади. Фойда капиталнинг айланиш жараёнида юзага келади [10].

Органик балансда фойда асосий молия-хўжалик фаолияти жараёнида активлар ҳажмининг ошишига олиб келадиган кўрсаткич сифатида тан олинади, нарх ошишидан фойда эса сезиларсиз кўрсаткичдир.

Шмидтнинг баланс назариясида асосий мақсад мулк ва фойданинг ишончли миқдорини аниқлашдир [4].

Х.Ширенбек Шмидтнинг асосий ғоясини амалдаги молиявий натижа (сотишдан даромад ва асосий капитални тиклашга харажатлар ўртасидаги фарқ) ва сезиларсиз молиявий натижа (асосий капиталнинг бошланғич ва қайта тиклаш қиймати ўртасидаги фарқ) ўртасида аниқ тафовутлар ўтказишда деб кўради. Шу боисдан Ф.Шмидт сезиларсиз фойда ёки зарар ҳақида ахборот акс эттириладиган «Узоқ муддатли активлар ўзгариши» счетини юритишни таклиф қилади. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижасини аниқлашда унга бу натижанинг сезиларсиз қисми таъсири бартараф қилинади (оқибатда фақат «соф», амалдаги молиявий натижа қолади) ва активларни уларнинг қайта тиклаш қиймати бўйича ҳисобга олиш мумкин [11].

Амстердам ҳисоб мактаби раҳбари Т.Лимперг, Ф.Шмидтнинг ғоясини ривожлантирган ҳолда, XX асрнинг 20-30-йилларида ҳисобни таннарх ва жорий нархлар бўйича юритиш эмас, балки қайта тиклаш қиймати бўйича ҳисобга олинadиган бойликларни акс эттиришни таклиф қилган. Фақат шундай чораларгина хўжалик юритувчи субъектларга фаолиятини қўллаб-қувватлаш имконини беради [12].

М.Л.Пятовнинг фикрича, ушбу ёндашувни баланс назарияси доирасида амалиётда қўллашда бир қатор муаммолар вужудга келади. Харажатларни қайта тиклаш нархлари бўйича қайта баҳолашда молиявий натижа камаяди.

Бирок бухгалтерия баланси доирасида харажатларни қайта баҳолаш бу активларни қайта баҳолашдир, кредиторлик қарзи ошиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда активларни қайта баҳолаш эса – ўз маблағлар манбалар ҳажмининг ошиши, яъни фойданинг амалдаги акс этишидир [13].

Юқорида санаб ўтилган баланс назарияларининг молиявий натижалар шаклланишида фарқли жиҳатлари қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Молиявий натижалар шаклланишига оид баланс назариялари қиёсий таҳлили<sup>1</sup>**

Мезон	Баланс назариялари ва уларнинг номланиши		
	Статик	Динамик	Органик
Ҳисоблаш мақсади	Тўловга лаёқатлилик, молиявий барқарорликни аниқлаш	Рентабелликни аниқлаш	Молиявий натижаларни аниқлаш ва мулкый ҳолатни баҳолаш
Фойдаланувчилар манфаати	Кредиторлар ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш	Мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш	Ҳам ташқи, ҳам ички фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш
Ҳисоблаш элементлари	Актив, капитал, мажбурият	Даромад, харажат, фойда	Актив, капитал, мажбурият, даромад, харажат, фойда
Элементларни баҳолаш	Муаяйн вақтда инвентаризация ўтказиш натижасида асосий элементларни баҳолаш	Таннарх бўйича асосий элементларни баҳолаш	Жорий қиймат бўйича баҳолаш

Демак, статик назарияда кўпроқ баланс элементларини акс эттиришга ҳаракат қилинса, динамик назария асосан молиявий натижаларни акс эттиришга хизмат қилади. Органик назарияси эса ушбу иккита назария талабларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, статик баланс назарияси маълум даражада ташқи фойдаланувчиларни, масалан, инвесторлар ва мулк эгалари, айниқса, активлар харид қилиш истагида бўлган потенциал инвесторлар ва мулк эгаларининг манфаатларини кондиради. Статик балансдан фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектнинг реал (жорий) қиймати, унинг мулки қанча баҳоланишини, шунингдек, ишлаб топилган фойда миқдорини кўради.

Динамик баланс назариясида молиявий натижани аниқлашда хўжалик ҳаётининг алоҳида ҳолатлари мақсадларини писанд қилмасликдан иборат статик баланс назариясининг айрим камчиликлари бартараф этилади. Яъни динамик баланс назарияси алоҳида калькуляция объектлари таннархини ҳисоблаб чиқиш имконини беради, статик баланс назариясида эса ушбу устунлик йўққа чиқади.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Шундай қилиб, иккита баланс назарияси ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш учун Ф.Шмидт органик баланс назарияси кўринишида муқобил вариантни таклиф қилади.

Ҳозирги пайтда молиявий ҳисоботларда баланс назариялари уйғунлашиши кузатилмоқда, яъни улар статик, динамик ва органик кўрсаткичларни акс эттиради, масалан, активларни харид қилишда уларнинг амалдаги харажатлари бўйича баҳолаш ва келгуси давр харажатлари мавжудлиги, номоддий активлар динамик таркибий қисмга мос келади, активлар балансда мулкчилик ҳуқуқида акс этиш статик концепцияни акс эттиради, активларни қайта баҳолаш эса статик ва органик назарияларга мос келади.

Фикримизча, органик баланс назарияси статик ва динамик назария ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ҳисоботдан фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти объектив ҳолатини тақдим этиш, жорий мулк ҳолатни, фойда (зарар)ни ҳаққоний акс эттириш ва қутилаётган даромадлар ҳақида ахборот беришга қодир назария ролига даъвогарлик қилиши мумкин.

Фикримизча, органик баланс назарияси кўп жиҳатдан МҲХС талабларига жавоб беради, чунки ҳозирги пайтда долзарб бўлган жорий қиймат концепцияси моҳиятан активларни қайта баҳолашни назарда тутаяди.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси бўйича шаклланган ана шу жиҳатларни кўриб ўтаемиз. Қуйидаги жадвалда бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот элементларини амалдаги қонунчилик ва биз таклиф этаётган органик баланс назарияси талаблари асосида қўлланиладиган қийматлар ва уларнинг фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтаемиз (2-жадвал).

## 2-жадвал

### “Гулистон ёғ-экстракт” АЖда 2018 йил молиявий ҳисобот айрим элементларини амалдаги қонунчилик ҳамда органик баланс назарияси бўйича баҳолаш<sup>2</sup>

Т/р	Ҳисобот элементлари	Ўзбекистон амалиётида қўлланиладиган қиймат	Органик баланс назарияси бўйича қўлланиладиган қиймат	БҲМС бўйича қиймати (минг сўмда)	Органик баланс назарияси бўйича қиймати (минг сўмда)	Фарқи (минг сўмда)
1.	Асосий воситалар	Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	Жорий қиймат	7280606	63633870	-917219
2.	Товар-моддий захиралар	ҳақиқий таннарх ёки бозор баҳоси	Жорий қиймат	26712000	25889237	-822763
3.	Мажбуриятлар	Тарафларнинг келишувига мувофиқ пулда ифодаланган ҳолда акс эттирилади	Жорий қиймат	42877621	39913907	-2963714

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, органик баланс назарияси талаблари қўлланилганида асосий воситалар -917219 минг сўмга, товар-моддий захиралар -822763 минг сўмга, мажбуриятлар -2963714 минг сўмга камайганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, органик баланс назарияси ҳисобот кўрсаткичлари миқдорини ошириб кўрсатмасдан, реал маълумотларни олиш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти молиявий ҳисоботда мулкӣ ҳолат ва молиявий натижалар ҳақида ахборотни акс эттириш йўлларини мустақил белгилаши ҳамда самарали натижага эришиш учун улар қайси мақсадларни амалга оширишга интилиши ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

Шу билан бирга, иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги шароитларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботдан юқорида келтирилган барча баланс назарияларининг асосий қоидаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳисобни яхш\_илаш, молиявий ҳисоботнинг ишончилиқ ва объективлик даражасини ошириш учун ушбу назарияларнинг оқилона қоидаларини уйғунлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида турли мулкчилик асосидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларни шакллантиришда таклиф этилаётган органик баланс назариясига асосланиши даркор. Ушбу назария давлат, инвесторлар ва мулкдорларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

1. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятини йўлга қўяр экан, уларнинг асосий мақсади максимал даражада фойда олиш ҳисобланади. Шу боисдан фойда олиш, яъни ижобий молиявий натижага эришиш ҳар қандай субъект учун муҳимдир. Тадқиқот давомида молиявий натижалар, фойда, зарар, даромад, харажат тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳиятига муҳим эътибор қаратилди. Бу борада иқтисодчиларнинг фикрлари ўрганилди. Иқтисодчи олимларнинг фикрлари умумлаштирилиб, молиявий натижалар фойда ва зарарларни ҳисоблаш билан яқунланади ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг муаян даврдаги активлари ҳажмининг ошиши ва камайишини ҳам ўзида ифода этади, деган хулосага келинди.

2. Молиявий натижалар нафақат бухгалтерия ҳисобида, балки бутун хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобида аниқланса, таҳлил ва назорат тизимида таҳлил қилинади. Бошқарув тизимида эса бошқарув қарорлари молиявий натижалар кўрсаткичлари асосида қабул қилинади. Самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда молиявий натижаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри аниқлаш зарур.

3. Тадқиқот давомида молиявий натижалар шаклланишида баланс назарияларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тадқиқ этилди. Барча баланс назариялари молиявий натижаларни тўғри аниқлашга хизмат қилса-да, лекин органик баланс назариясида жорий қийматга устунлик берилиши мазкур

назария молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига яқинлашишига хизмат қилади.

4. Мамлакатимиз амалиётида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этилаётган ҳозирги вақтда органик баланс назариясига таяниш мақсадга мувофиқ. Мазкур назария молиявий ҳисобот элементларини жорий қиймат бўйича баҳолашни кўзда тутди. Тадқиқот давомида “Тулистон ёғ-экстракт” АЖ молиявий ҳисобот айрим элементларини амалдаги қонунчилик ҳамда органик баланс назарияси бўйича баҳолаш тартиби кўриб ўтилди. Натижада органик баланс назарияси талаблари қўлланилганида молиявий ҳисобот элементларини аниқроқ акс эттириш имконияти туғилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Emmanuel Oropoku Ware, Andrews Amankwah. Company's Economic Reality: A Comparative Analyses and Forecasts Regarding Its Subsequent Evolution of Financial Statements Theories and Their Dynamism. //Research Journal of Finance and Accounting ISSN 2222-1697 (Paper) ISSN 2222-2847 (Online) Vol.5, No.23, 2014. [www.iiste.org](http://www.iiste.org)

2. I. Yaremko, N. Podolchak, L. Pylypenko, O. Tyvonchuk. Conceptual model of adaptive balance sheet format of corporations in postindustrial economy. // Economics, entrepreneurship, management. Vol. 3, No. 2, 2016

3. Заббарова О.А. Балансоведение: учебное пособие / О.А. Заббарова. -М.: КНОРУС, 2007. -256 с. 44-бет.

4. Усенко Л.Н., Удалова З.В. Балансовые теории как основа формирования учетно-аналитического обеспечения управления сельскохозяйственными организациями. //Аудит и финансовый анализ. № 1, 2011.

5. Karelskaya S., Zuga E. Balance-sheet theory of A.P. Roudanovsky. //Economics and management: 2012. 17 (1).

6. Карзаева Н.Н. Оценка как инструмент достижения сопоставимости показателей бухгалтерской отчетности: дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.12 / Н. Н Карзаева. – СПб., 2006. – 338 с.

7. Пятов М.Л. Теория статистического баланса как метод представления информации о финансовом положении организаций. М.Л.Пятов // Бухучет в сельском хозяйстве. – 2011. – № 4. – С. 46-51.

8. Пятов М.Л. Балансовые теории и современная бухгалтерская информация. М.Л.Пятов // Бухгалтерский учет. – 2008. – № 15. – С. 37-43.

9. Блауг М. 100 великих экономистов после Кейнса / М.Блауг; пер. под ред Сторчевого. – СПб.: Экономическая школа, 2008. – 384 с.

10. Миргородская М.Г. Балансовые концепции как методологическая основа формирования бухгалтерской отчетности. //Вопросы экономики и права, 2014. № 8.

11. Ширенбек Х. Экономика предприятия: учебник для вузов: пер. с нем. / под общ. ред. И. П. Бойко, С. В. Валдайцева, К. Рихтера. 15-е изд. -СПб.: Питер, 2005. -848 с.

12. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. –М.: Финансы и статистика, 2000. -496 с.

13. Пятов М.Л. Анализ бухгалтерской отчетности и влияние на его результаты методологии бухгалтерского учета. М.Л.Пятов //Бухучет в сельском хозяйстве. – 2009. – № 1. – С. 41-50.